



# ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 22 ноябр, жума №184 (1401)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2002 йил 20 сентябрдаги 327-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига истеъмол товарларини олиб келиш ва ички бозорда сотиш тизimini янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2002 йил 1 декабрдан бошлаб ноозиқ-овқат истеъмол товарлари юридик шахслар томонидан импорт қилганда йиғим ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товар божхона қийматининг 10 фоизи миқдоридан белгилансин.

Бунда кўрсатиб ўтилган йиғим миқдори товарларни олиб келишда қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базага киритилмайди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 сентябрдаги 327-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 9-сон, 52-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоровий норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2002 йил 21 ноябр

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Хусусийлаштирилган савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳаси объектлари фаолиятидаги тартиб бузилиши ҳоллари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23 сентябрдаги Ф-1629-сон фармойишини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 23 сентябрдаги Ф-1629-сон фармойиши билан ташкил этилган махсус комиссия томонидан чакана савдо объектларининг аҳоли текширилганлиги, текшириш натижасида куйидаги жиддий тартиб бузилишлари аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Хусусийлаштирилган 1716 та савдо корхоналари эгалари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда хусусийлаштириш тўғрисидаги шартнома-ларда белгиланган фаолият йўналишининг ўзгартирилишига йўл қўйилган. Бундай тартиб бузилишларнинг энг кўпи Тошкент (592), Фарғона (316) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (255) қайд этилган.

Савдо ташкилотлари томонидан белгиланган савдо, олинган савдо тушумини инкассация қилиш қоидаларининг кўпол бузилиши ҳоллари мавжуд. Текшириш давомида хусусийлаштирилган чакана савдо объектларининг 3640 таси, шу жумладан Сурхондарё вилоятида - 606, Андижон вилоятида - 621, Қорақалпоғистон Республикасида - 348 таси амалда ишламаётганлиги аниқланди.

(Давоми 2-бетда).

# ПРЕЗИДЕНТ ПРАГАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 ноябр куни НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этиш учун Чехия пойтахти Прага шаҳрига жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари сафар олдидан пойтахт аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервю берди.

«Хозир НАТОга аъзо давлатлар сони ўн тўққизта, - деди, жумладан, Президент. Прага саммитида уларнинг сони янада кўпайиши кўтилмоқда. Литва, Латвия, Эстония, Болгария, Руминия, Словакия ва Словения Шимолий атлантика иттифоқи қабул қилиниши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, замон ўзгариши билан дунёдаги вазият ҳам ўзгарди. Совуқ уруш сиёсати барҳам берилди. НАТО фаолиятида ҳам бурилиш

ясалди. Бугун биз мазкур ташкилотни бир пайтлардагидек, душман деб эмас, хавфсизликни таъминлаш борасидаги яқин ҳамкоримиз, деб биламиз.

Ўзбекистон 1994 йили НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилди. 27 давлатни бирлаштирган Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Хозир мамлакатимиз «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг энг фаол иштирокчилари билан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари НАТО-Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Прага саммитида кўриладиган масалалар ҳуқуқсизда шундай деди:

- Саммитда кўриладиган масалалар ҳуқуқсизда шундай деди:



диган дастлабки масала НАТОнинг янги аъзолар ҳисобига кенгайишидир. Кейинги масала, XXI аср вабоси деб аталаётган терроризмга қарши жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги курашига бағишланади. Шунингдек, саммитда дунёнинг баъзи

минтақаларида содир бўлаётган воқеалар ҳусусида ҳам фикрлашиб олинади. Жумладан, Ироқ билан боғлиқ муаммолар кун тартибидан ўрин олган.

Ўзбекистон бу ҳамкорликдан, НАТО дастурларидан қатнашишдан қандай манфаат кўради, де-

давлатлари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бу сарҳадларимиз даҳлсизлиги, юртимиз осойишталигини таъминлашда жуда кўл келади. Бундай ҳамкорлик терроризмнинг молиявий манбаларидан бири ҳисобланган гиёҳванд моддалар айланишига қарши курашни ҳам кўзда тутди. 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган ёвузлик, яқинда Бали ороли, Москвада юз берган воқеалар ҳеч қайси давлат террор ҳафидан ҳимояланмаганлигини яна бир қарра исботлади. Шу боис Прага саммитида кўриладиган терроризмга қарши кураш масаласи бугун жуда долзарбдир.

(ЎЗА).

## «НАМ-КОН» ХОРИЖГА ЧИҚДИ

Маҳаллий тадбиркор Қодирхон Муталов тамонидан Косонсой туманининг Чиндо-вул қишлоғида «Нам-кон» корхонаси ишга тушганига кўп вақт ўтгани йўқ.

Шунга қарамасдан бу ерда 50 нафар киши иш билан таъминланган. Унинг маҳсулоти довруғи олис олимларга етиб борди. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар олма, нок ва сабзи шартлари сифатли бўлиши билан бир қаторда экологик жиҳатдан тоза эканлиги хорижий харидорлар томонидан ҳам тан олинмоқда. Яқинда Россия Федерациясининг Новосибирск ва Қозғистоннинг Чимкент шаҳарларидан ушбу корхонага қарашли савдо уйи очилиш таклифи қилинди.

Хозирда Исроил технологиясига асосланган хусусий корхона йирик данакли меваларни қайта ишлашга ихтисослаштирилмоқда. Шу кунларда АКШнинг «Прага» корпорацияси мутахассислари Косонсойга келиб маҳаллий маҳсулотлар асосида мева концентрати ишлаб чиқарувчи янги линияни ўрнатилган киришди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

## ЯНА БИР КўШМА КОРХОНА

Қашқадарёда «Буртекс» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонаси иш бошлади. «Ўзбургунефтгаз» акциядорлик компанияси таркибидagi ушбу корхонада махсус иш кийимлари, мавсумий кийим-кечақлар, кўрпачушак ҳамда сочиқлар тикилмоқда.

Корхонада етмиш киши меҳнат қилаётир. Хозиргача бу ерда 150 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Яқин кунларда корхонада пойабзал цехи очилиш режалаштирилмоқда.

## ЭНГ ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР

Халқаро бизнес-марказда дунёга машҳур «SONY» компаниясининг касбий ва эфирга узатиш ускуналари кўрғазмаси яқунланди.

Таъкидлаш жоизки, компа-

ния фаолиятининг бошланиши радиолар учун қисқа тўққинчи кўшимчалар ишлаб чиқариш бўйича кичкина устахона билан боғлиқ. 56 йил давомида компания ўнлаб компаниялардан иборат ва бутун дунё бўйлаб қарийб 150 минг ходимни бирлаштирган йирик халқаро корпорацияга айланди. «SONY» савдо белгиси жаҳонда жуда машҳур. У ишлаб чиқарилаётган электрон ускуналар ва хизматларнинг юқори сифати ва ишончлилигини, юқори технологиялар соҳасида етакчилик ва доимий изланишни англатади.

Мазкур кўрғазмада касбга оид ускуналар намойиш этилди. Булар биринчи навбатда телевизион ускуналар ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш доирасидаги электрон маҳсулотлардир. Улар орасида конференц заллар учун овоз техникаси, телеконференциялар тизимлари

шаклидаги электрон коммуникация воситалари, ахборот катта экранларда акс эттириш учун тақдимот ускуналари бор.

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши - АКСЕЛС нинг Нукусдаги офисидa Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазиригига ҳамда АКШ элчихонаси ҳамкорликда ташкил этган инглиз тили ўқитувчилари ўртасидаги танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Уч босқичда ўтказилган танловнинг ўн нафар ғолиби махсус дастур асосида ёз ойларида 7 ҳафта давомида Америкада малака ошириб қайтган эди.

Тантанали маросимда ғолибларнинг ҳар бирига мукофот ҳамда мактаблари учун ўқув куроллари ва компьютерлар топширилди.

## Хабарлар оқимидан «ОЛИМПУС» ЧЕРЕПИЦАЛАРИ

Вилоятда том ёпқич материалларга талабнинг ортиб бораётгани сабабли Марғилон шаҳридаги «Олимпус» курилиш компанияси маҳаллий хомашдан черепица ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. У пишиқ-пухталигидан ташқари инсон саломатлиги учун мутлақо безарарлиги билан ажралиб туради.

Бизнес-фонднинг вилоят бўлими янги ишлаб чиқариш тармоғини ташкил қилиш учун лизинг асосида 4 миллион 800 минг сўм маблағ ажратди. Германиядан ишлаб чиқариш дастгоҳлари келтирилди. Маҳаллий ёшлар Тошкентдаги турдош корхоналарда янги маҳсулот ишлаб чиқариш сир-асорларини ўрганиб қайтди.

Президентимиз Қашқадарё вилоятига сафари чоғида Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ширкат хўжалигида амалга оширилган ишларга яхши баҳо берган эдилар.

1998 йилдан бери пай усулида иш юритаётган йирик жамоада ислохотлар яхши самара бермоқда. Мавжуд онлавий пудратларда қатъий меҳнат интизомини ўрнатилган. Даромад ошган сайин одамларнинг меҳнатга муносабати ўзгармоқда. Ҳар бир тармоқда тежамкорликка амал қилинади. моддий захиралардан оқилона фойдаланилади.

Жорий йилда 7 минг тоннадан ортиқ хирмон кўтарилди, пахта тайёрлаш режаси вилоятда биринчилар қаторида бажарилди. Хамроқул Сафаров, Рашид Рўзиев, Аднамурод Нодиров, Даврон Шоймардонов бошлиқ ширкатларда юқори навли ҳосил саранжомлаб олинди.

Эришилаётган ютуқлар деҳқонларнинг ерга ва мулкка муносабати ўзгариб бораётганлиги ҳисоб-китобнинг янги механизми йўлга қўйилиб, пудратчилар ва хўжалиқлар ўртасида шартномавий муносабатлар мустаҳкамланаётганлиги самарасидир.

Хўжалик ўзининг «КЕЙС» русумли пахта

торова, Мархабо Саидмуродова, Муҳаббат Асадуллаева, Шоира Баратова, Гулнора Тўхтаева сингари чеварларнинг ҳар бири 8-10 тоннадан пахта териб, 200-250 минг сўмдан даромад қилдилар.

Даромад кўпайиб десаўмга етади. Ойлик иш ҳақи ва мукофотлар билан ҳисоблаганда бу рақам яна бир баробарга кўпаяди.

Тажрибали ва ташаббускор раҳбар Муродилла Саидовнинг ишбилармонлиги, одамлар қалбига йўл топиб, улар би-

дан бамаслаҳат йўл таштаётганлиги туфайли «Жейнов»нинг довруғи мамлакатга ёйилди. 2002 йил якунида 1 миллиард 500 миллион сўм даромад олиш режалаштирилган. Соф фойда 400 миллион сўмдан ошиши кўтиляпти. Хўжалик 162 миллион сўмлик техника воситалари, лизинг асосида 5 та «Кейс» пахта териш машиналари харид қилди.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Х.Чўлиевнинг хилоқ қилишда, хўжаликда ҳар йили қурилиш ва

# СОФ ФОЙДА 400 МИЛЛИОН

## Юртимиз фидойи кишилари

ободончилик ишларида 65-70 миллион сўм маблағ сарфланаяпти. Яқинда замонавий компьютерлар билан жиҳозланган 900 ўринли санаят коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бир кеча кундузда 12 турда маҳсулот тайёрлайдиган, Исроил технологияси билан жиҳозланган сут заводи тўла қувват билан ишлаб турибди.

18 минг нафардан ортиқ фуқаро яшаётган қишлоқларда ҳар бир оиланинг турмуш шaroити алоҳида ҳисобда. 10 нафар уруш фахрийлари хўжалик маблағидан «Қашқадарё соҳили» санаторийсида давола-ниб келди. 43 та ижтимоий химояга муҳтож оилаларга бугўд, пахта ёғи берилди. Қарияларни кадрлар йили дастурига мувофиқ бир пилёла чой устида мулоқот ташкил қилиниб, оқсоқолларнинг 60 нафарига тўн қийдирилди. 680 та нафақахўрга 200 тоннадан зиёд бугўд, 6500 килограмм ўсимлик

## ФАХР

Шаҳрисабздаги «Оқсарой-Тўқимачи ЛТД» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортиб борапти. Корхона шу кунга қадар 4,5 миллион АКШ долларлик маҳсулот экспорт қилди.

Туркиянинг «Бурсел», Япониянинг «Мицубиси» компанияси ҳамда Шаҳрисабзнинг «Садо» ҳиссадорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган кўшма корхона 1 ноябрда қадар хорижий харидорлар 2 минг 15 тонна калава, 211 тонна трикотаж мато сотди. Экспертлар Шаҳрисабзда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот жаҳон андозаларига мос эканлиги эътироф этмоқда.





ДУШАНБА, 25

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Телетомошабинлар диққатига! «Ўзбекистон» телеканали 25 ноябр кунини ўз кўрсатувларини оғдат 15.00 дан бошлайдиган...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 10.00 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус»...

лика турнири. 11.45 Муслиқ танаффус. «Болалар сайраси»: 12.50 1. «Санаъат гунчалари»...

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» почтаси, болалар шеврияги...

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида»...

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал 6.30-8.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ 17.15-17.45

Эълонлар. 13.05 Мумтоз наволар. 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Юрт ўғлонлари»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

13.05 Мумтоз наволар. 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Юрт ўғлонлари»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайраси»: 9.00 1. «Сеҳри ҳарфлар оролчаси»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

13.05 Мумтоз наволар. 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Юрт ўғлонлари»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайраси»: 9.00 1. «Сеҳри ҳарфлар оролчаси»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

13.05 Мумтоз наволар. 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Юрт ўғлонлари»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайраси»: 9.00 1. «Сеҳри ҳарфлар оролчаси»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

13.05 Мумтоз наволар. 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Юрт ўғлонлари»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайраси»: 9.00 1. «Сеҳри ҳарфлар оролчаси»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

13.05 Мумтоз наволар. 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Юрт ўғлонлари»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...



Йиллигига: «Бир ўлкаки». 14.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «23.5 даражали бурчак остида»...

8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.40 Газеталар шарҳи. «Болалар сайраси»: 9.00 1. «Сеҳри ҳарфлар оролчаси»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

13.05 Мумтоз наволар. 13.30 «Ошин». Телесериал. 14.10 «Юрт ўғлонлари»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

СЕШАНБА, 26

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ


5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 «Рамазон тўхфаси». 5.50 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Тор-Бақр»...



Болалар спорти

# БУЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА


Республика касабда уюшмалари болалар спортини ривожлантиришга оид Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ жойларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида бир қатор хайрли ишларни бошлаб юборди. Хусусан, Қашқадарь вилотида касабда уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқару-

виға қарашли БЎСМлар ўқувчилари ўртасида спорт оммавийлигини таъминлаш, тарбияланувчилар маҳоратини оширишга муҳим эътибор берилмоқда.

Вилоят касабда уюшмалари футбол мактабида 10 ёшдан 17 ёшгача бўлган 580 нафарга яқин ёшлар турли гуруҳларга бўлинган ҳолда машғулотларда иштирок этишмоқда. Қарши ва Бешкент шаҳарлари,

Шахрисабз, Яқкабоғ ва Ғузор туманларида Собир Хайдаров, Евгений Смирнов, Шомил Жумаев, Фарход Фахриддинов сингари малакали мураббийлар иш олиб боришмоқда.

— Маҳаллалар, чекка қишлоқларда яшаётган иқтидорли болаларни машғулотларимизга жалб этишни фаолиятимизнинг бош мезони сифатида белгилаб олганмиз, — дейди футбол мактаби директори, халқ таълими аълочиси Қўзибой Сағдиев. — Шу боис имкон қадар кўпроқ ёшларни қамраб олишга интиляймиз. Бинобарин, халқаро майдонда муваффақиятларга эришиш, энг муҳими, фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлашда бу саяё-ҳаракатлар халқ килувчи рол ўйнайди.



ланувчилар сонини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Республика ва вилоят миқёсидаги ўнлаб мусобақаларда қатнашаётган ёш боксчилар тобора ўз тажриба ва ма-

лакаларини бойитиб боришмоқда.

**К.ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири. И.ХАСАНОВ олган суратлар.**

**Футбол**

## «МАШЪАЛ» ХАВФЛИ ЗОНАДАН ЧИҚИБ ОЛДИ

Сарҳисоб палласи етиб миллий чемпионатимиз олий табақасида иштирок этаётган жамоалар ўртасида совринли ўринларни эгаллаш ҳамда лигада «жон сақлаш» учун курашлар қизгин тус олмақда.

Қуни кеча самарқандлик футболчилар устидан ишончли галабага эришиб, учинчи маротаба мамлакат чемпионлиги деган номга сазовор бўлган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси қўтба чемпионлар лигаси бахсларида қатнашуви муносабати билан қолдирилган учрашувини ўтказди. Охириги турларга қадар аутсайдерлар сафидан жой олиб келган Муборакнинг «Машъал» жамоаси меҳмони бўлган «Пахтакор»чилар ўзлари учун унчалик ҳам катта аҳамиятга эга бўлмаган ўйинда деярли иккинчи таркиб билан тўп суришди. Тошкентликлар мураббийларининг бундай қарорга қилишига олдиндаги муҳим учрашув — «Ал-Ахли» (БАА) билан ўтадиган ўйин сабаб бўлган бўлиши мумкин, албатта.

Бинобарин, З.Тожиёв, А.Ғейрих, М.Қосимов, Г.Гочкулиев сингари бир қатор етакчи футболчиларисиз ҳам чемпион жамоа ҳужумкорлик руҳида ҳаракат қилди. В.Борисов шогирдлари эса қарши ҳужум тактикасини қўллашди. Бу ўз самарасини кўрсатиб, тажрибали Р.Бозоров ҳамда Ш.Саидовларнинг икки голи «Машъал»га сув ва ҳаводек зарур 3 оқини тўхта этди. Мазкур галабадан сўнг муборакликлар 32 очко тўплаган ҳолда олий лигада ўз ўринларини сақлаб қолишди.

**О.КАМОЛОВ.**

### ЎСМИРЛАР БЕЛЛАШУВИ

Бухородаги 5-болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари мактабида 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида баскетбол бўйича турнир бўлиб ўтди. Унда Тошкент, Бухоро, Зарафшон ва Учқудук шаҳарлари жамоалари ўзаро беллашди.

Ўсмирлар ўртасида 5-БЎСМ тарбияланувчиларидан иборат Бухоро вилоти яти жамоаси голиб чиқди. Қизлар баҳсида «Тошкент-1» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Мазкур турнир мамлакатимизда мактаблар ва коллежлар ўқувчилари ўртасида аънавий равиш-

да ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари олдидан ўзига хос тайёргарлик бўлди.

### ЧИРЧИҚ ПОЛВОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасидан ўзА мўҳбирига маълум қилишларича, 22-24 ноябр кунлари Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгар» спорт залида дзюдо бўйича аънавий халқаро турнир бўлади.

Саққизинчи маротаба ташкил этилаётган ушбу мусобақа ёшлар ўртасида ўтказилади.

### Чин маънодаги мўъжизавий ўйин шохмот барча даврларда ижодкорлар — шоиру рассомлар, ёзувчи драматург, композиторларни ўзига мафтун этиб келган. Масалан, 1774 йили машҳур шоир Вольфганг Ғёте шохмот мавзусидаги «Гетц фон Берлихинген» деб номланган сахна асарини ўқувчиларга тўхфа этди.

1876 йили Поль Феррье ўзининг бир пардалик «Шохмот партияси» комедиясини сахнага олиб чиқди. Бу асар ўша йили алоҳида китоб шаклида ҳам чоп этилди. Америкалик драматург Жорж Фростнинг «Ютилган ўйин» номли асари 1892 йили Парижнинг машҳур «Жимназ драматик» театрида қўйилиб, катта муваффақият қозонди. «Икки ёклама кишт» комедияси 1909 йили Францияда нашр этилди. 1882 йили Парижнинг опера-комик театрида сахналаштирилган «Филидорни енгиб чиқ» операси эса ўз даврининг тенги йўқ шохмот устаси ва назарийтчиси, композитор Андре Франсуа Филидорга бағишланган эди.

Утган асрда Россияда ҳам шохмотга бағишланган театр асарлари пайдо бўлди. 1960 йили ёзувчи-гроссмейстер Александр Котовнинг буюк шохмот даҳоси А.Алехинга бағишланган «Оқлар ва қоралар» романининг инсценировкаси Москвадаги Гоголь номли театр сахнасида намойиш қилинди. Шунингдек, ўтган аср ижодкорлари

### Турган-битгани мўъжиза

балет асарларида шохмот сипоҳлари кийимларида рол ижро этиб, минглаб томошасида, аммо бунинг иложи йўқ эди. Қарангки, эндигина кино оламига кириб келаётган В.Пудовкин шохмот ихлосандларининг ушбу талафини рўёбга чиқарди. У тажрибали режиссёрлар билан ҳамкорликда турнир тўғрисида «Шахматная горячка» деб номланган юмористик кино асарини яратди. Бундан ташқари, поляк ижодкорлари томонидан «Турнир» деган мультфильм ҳам томошалар билан эътиборига ҳавола этилган. Мазкур фильм 1963 йилги халқаро фестивалда олий мукофотга лойиқ деб топилди. Швециялик мутахассислар ижод маҳсули ҳисобланган «Еттинчи муҳр» кинофильми эса 1957 йили Канадада ўтказилган фестивалнинг махсус совринини қўлга киритди.

**Анвар ИНОҚОВ, шохмот бўйича спорт усталигига номзод.**

**(Давоми бор.)**

Биринчи диаграммада қоралар олти юришда галабага эришади. Иккинчи диаграммада эса қора фил оқлар ҳужумини бартараф этиб, дуранга эришади. Маҳоратингизни синаб кўринг.

# «МУРОДИМ ЎЗБЕКИСТОН...»

Ватан — саждагоҳ каби муқаддас

Мирмуҳаммад Амин Қурбат 1909 йилда Бухоронинг Хўжа Зомуча маҳалласида дунёга келди. Унинг отаси Ғиёсиддин Аълам Бухорий ўз даврининг нуфузли уламоларидан бўлиб, «Соқиб» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Онаси Мир Сайид Шамсиддин қизи бўлиб, мантиқ илими бўйича машҳур асарлар ёзиб қолдирган Мир Сайид Шариф Журжоний авлодларидан эди. Қурбат 18 ёшида Мир Араб мадрасасида машҳур мударрис домла Бурхониддин Асвад қошида «Шарҳи Мулло Жомий»ни тугатади.

Қатагон даврининг қонли панжалари ёш шоир, илм-маърифатли Муҳаммад Амин ҳаётига ҳам хавф солади. Натижада Қурбат 1932 йили, 22 ёшида Афғонистонга ўтиб кетади ва Андхўй шаҳрида яшай бошлайди. Андхўй мадрасаларида 30-йилларда турли сабаблар билан Бухородан бориб қолган Низомиддин Бухорий, Қори Хабибуллолар қўлида тафсир, ақоид, ҳикмат, тасаввуф, адабиётдан таҳсил олади. У 1948 йилда Қобулга кўчиб ўтади, уйланиб оила қуради ва ўтроқ ҳолда яшай бошлайди.

Қурбат зуллисонайи шоир бўлиб, унинг девони — «Гулшани зебобий ашъор» ўзбек ва форсӣ-дарӣ тилидаги шеърлардан таркиб топган. Шоирнинг шеърга эътиқоди эрта намоён бўлади. У 15 ёшида Мир Араб мадрасасида ўқиб юрган кезларида ўша пайтда тез-тез уюштириб турилган шеър мажлисларидан бирини ўз даврининг катта олим ва шоири домла Бурхониддин Бисмил қошида ўз шеърини ўқийди. Ундаги шоирлик қобилиятини пайқабган домла Бурхониддин ёш шоирга бадиийят, қофия, баён, аруз сирларидан сабоқ беради.

Ўзбек тилидаги шеърларида Қурбат Навоий ва Ғузлулий газалларидан баҳраманд бўлганлиги сезилиб туради. Қурбат ижодидаги ишқ ва ҳижрон мавзуси ҳақида гапирганда, бир ҳолатни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шоир шеърларидаги ушбу тушунчалар ўзининг аънавий мазмуни билан бир қаторда, ишқ — Ватанга муҳаббат, ҳижрон — Ватан соғинчи мазмунида талкин этилади. У Ёр деганда Ватан (Ўзбекистон)ни, ҳижрон деганда юртидан жудоллик, айрилиқни назарда тутди. Бир қарашда ошиқона бўлиб туюлган:

деган хулосага келиш учун асос берди.

Ватандан айрилиш шоирга шу қадар қаттиқ таъсир этганки, унинг таъбирича, Ватандан жудоллик — катта бахтиқаролик, агар бу жудоликнинг бир заррасини деса «жаҳон тор ўлғуси» муқаррардир дейди ва қуйидаги мисраларни битеди:

**Бухоро маърифатнинг қони эрди, андин айрилдим,**  
**Жаҳон тор ўлғуси, зарра десам бахти сиёҳимдин.**

**Муродим Ўзбекистон, гар Бухоро ёдини этсам,**  
**Узоқ қилди фалак устод, донишу дастгоҳимдин.**

Шоир Ватанни онага ўхшатиб, агар унга заррача ҳурмат ва муҳаббатинг бўлса, уни фуқаратга ташлаб кетмагин дейди:

**Гар анонгни ҳурмат этсанг,**  
**Фурқатингга ташлама,**  
**Бул Ватандин чиқма ҳарғиз, чункидур модар санга.**

У ушбу мавзуни форс тилидаги шеърларида ҳам давом эттириб, киши бошига ҳар қандай оғир савдо тушса ҳам она юртни тарк этмаслигини уқтиради:

**Аз ҳаводис ҳар чи ояд аз Ватан берун нашав,**  
**Дар афтад гар писар, модар паршон мешавад.**

(Мазмуни: Фалақдан бошингга нима келса ҳам Ватанни тарк этмагинки, фарзанд онасидан узоқ кетса онанинг ҳоли паршон бўлади).

Ёт элларда ҳақиқий бахтини топа олмаган шоир ўзининг бир пайтлар «ҳаводис»нинг турли зарбалари остида Ватани ташлаб чиқиб кетганлигидан умр бўйи афсус-надоматда ўтди. Қурбатнинг шеърлари Ватан ишқи ва ҳижрони билан лиммо-лим тўлган қалбнинг дилгир ва оташин садоларидир.

Шоир умрининг охирида ёзган фалсафий қасидасида она юртида юз оца бошлаган эркинликни олқишлаб шундай дейди:

**Ўзбек аҳлига муяссар бўлди изҳори баён,**  
**Шукри эркинлиғни қилғил, ҳоли ободин гапур.**

**Хотирам афсурда бўлди, эмди ёди Балх эт,**  
**Юлдузи қилган жаҳон ёруғ — Бухородин гапур.**

Шоир Ватанга қайтиш орзусини она юрти истиқлоли билан боғлиқликда кўрди. Афсуски, шоир Ватанининг тўла мустақилликка эришган доруламон кунларини кўра олмади. У 1990 йил 27 сентябрда Қобулда вафот этди.

**Нодир РАМАЗОНОВ, ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими.**

**Ул паривашни кўрар ушшоқ султон ўрнина,**  
**Ҳар каломи айлаюр таъсир фармон ўрнина.**

матлаъси билан бошланувчи газалнинг ўзагида шоир:

**Гарчи Эрону Араб мулки эрур рашик беҳишт,**  
**Лек шаҳри ҳеч ўтмас Ўзбекистон ўрнина.**

### Кейинги йилларда республикамиз бастакорлари кўпгина янги мусикалар яратиб, муҳлислар эътиборини ўзига тортиди. Бундай жозибали ижод намуналари орасида фортепиано учун ёзилган асарлар ҳам бор.

## ФОРТЕПИАНО ЖЎРЛИГИДА

Истеъодли ёш бастакор Азиза Низомиддинхўжаева ҳам бу борада ўз маҳоратини намойиш этди. Айниқса «Фортепиано учун симфоник поэма» деб номланган йирик асари санъаткорнинг ижодий камолотини кўрсатди.

Композитор Янов Яновский томонидан ёзилган «Силуэт» туркумидаги мусикалар орасида эса «Фортепиано учун икки пьеса» асари ажралиб туради. Икки фортепиано жўрлигида ижро этиладиган асарлардан бири «Масхарабозлар» деб номланади. Таниқли композитор Борис Гиенко ижодидаги мансуб бу асар ҳам ижобий баҳоланди.

Янги яратилган бу мусикалар Ўзбекистон Давлат консерваторияси залларида янгради. Уларни олий мусика мактабининг моҳир ижрочилари зўр маҳорат билан ижро этдилар.

**Ақбар АЛИЕВ.**

## КУТУБХОНАДА КЎРГАЗМА

**Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят кутубхонасида Ўзбекистон Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан «Конституция ва ҳуқуқий давлат» мавзусида китоблар кўргазмаси ташкил этилди.**

Кўргазмада Бош Қонуни-мизнинг моҳияти, давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти кенг очиб берилган китоб, газета ва журналлар, плакатлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, ҳуқуқий меросимиз тарихи, иқтисод ва ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафолатлари борасидаги рангбаранг манбаалар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма доирасида китобхоналар билан Конституциянинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти борасида турли даража суҳбатлари, ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтмоқда.

**(ЎЗА).**